



**XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI**

unicef 

har bir bola uchun



ABDULLA AVLONIY NOMIDAGI XALQ TA'LIMI
MUAMMOLARINI O'RGANISH VA ISTIQBOLLARINI
BELGILASH ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI



TSBM

TA'LIM SIFATINI BAHOLASH BO'YICHA
XALQARO TADQIQOTLARNI AMALGA
OSHIRISH MILLIY MARKAZI

**INTERNATIONAL ASSESSMENT
PROGRAMS AND CURRENT RESEARCH ISSUES
IN THE QUALITY OF EDUCATION**

INTERNATIONAL CONFERENCE

**XALQARO BAHOLASH DASTURLARI VA TA'LIM
SIFATINI TADQIQ ETISHNING
DOLZARB MUAMMOLARI**

XALQARO KONFERENSIYA

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ ПРОГРАММЫ ОЦЕНКИ
И АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИССЛЕДОВАНИЯ
КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ**

МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

11-MART 2022-YIL

PISA

PIRLS

TIMSS

TALIS



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI

**ABDULLA AVLONIY NOMIDAGI XALQ TA’LIMI MUAMMOLARINI
O‘RGANISH VA ISTIQBOLLARINI BELGILASH ILMIY- TADQIQOT
INSTITUTI**

**«XALQARO BAHOLASH DASTURLARI VA
TA’LIM SIFATINI TADQIQ ETISHNING
DOLZARB MUAMMOLARI»**

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

(2022-yil 11-mart)

II-qism

Toshkent – 2022

«Xalqaro baholash dasturlari va ta'lim sifatini tadqiq etishning dolzarb muammolari» Toshkent: - 2022-y. 400 bet.

Tahrir hay'ati raisi: A.Radjiyev – A.Avloniy nomidagi ilmiy-tadqiqot instituti direktori

Tahrir hay'ati: F.Karimov, S.Azimov, M.Ergasheva, A.Ibragimov, N.Ermetova, M.Abdullayeva, A.Gaffarov, N.Tashtemirova

Nashr uchun mas'ul: F.Karimov

Dizayn va sahifalash: R.Axmedov, N.Tashtemirova, J.Saydaliyev

Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

A.Avloniy nomidagi ITI Ilmiy kengash tomonidan nashrga tavsiya etilgan (Asos: 2022-yil 27-yanvardagi 1-son bayonnoma).

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ

Чимпўлатова Севара Алишеровна

Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия Университети

Ўқитувчи, мустақил изланувчи

Аннотация: *Мазкур мақолада интерфаол таълим технологияларини таълим жараёнига қўллаш таълим сифатини яхшилаши, самарадорлигини ошириши, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши, гоёвий ва руҳий бирликка эришиши, ягона мақсад сари интилиши, ҳар бир таълим олувчининг ички имкониятларини рўёбга чиқариши, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишида катта имкониятларга эга эканлиги тўғрисида фикрлар билдирилди.*

Калит сўзлар: *интерфаол таълим, технология, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, визуал маъруза, бинар маъруза.*

Аннотация: *В данной статье применение интерактивных технологий обучения в образовательном процессе позволяет улучшить качество обучения, повысить его эффективность, определить взаимодействие учителя, ученика, группы учеников, а также сообщества, достичь идеологического и духовного единства, стремясь к общей цели, было отмечено, что здесь есть необходимые условия и прекрасная возможность для создания среды для ее реализации как личности.*

Ключевые слова: *интерактивное обучение, технология, учитель, студент, группа студентов, наглядная лекция, бинарная лекция.*

Abstract: *In this article, the application of interactive learning technologies in the educational process can improve the quality of education, increase its effectiveness, determine the interaction between teacher, student, group of students, as well as the community, achieve ideological and spiritual unity, striving for a common goal. It was noted that it has the necessary conditions and a great opportunity to create the environment for its realization as a person.*

Keywords: *interactive education, technology, teacher, student, group of students, visual lecture, binary lecture.*

2017-2021 йилларда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш билан бир каторда, мамлакат иқтисодиёти учун малакали мутахассис ва кадрларни тайёрлаш долзарб

масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Биз демократик ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторига кўтарилишни ўзимизнинг асосий мақсадимиз деб олдимизга кўяр эканмиз, бу йўлда жуда муҳим бир шартни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз даркор. Яъни, демократия йўлига киришимиз аввало аҳолимизнинг онгу савиясини ўзгартиришни, тоталитар, зўравонлик тизимидан мерос бўлиб қолган қолдиқлар ва қолиплардан воз кечишимизни сўзда эмас, кундалик ҳаётимизда таъминлашни талаб қилади. Бу эса албатта бир кунлик осон иш эмас - бунга вақт керак, янги ҳаётни ўз юртида қурмоқчи бўлган ҳар қайси инсон шунга астойдил интилиши зарур. Аввало бу мақсад унинг онгу тафаккурида мустаҳкам ўрин топиши даркор. Бунинг учун мамлакатимизда ҳуқуқий таълим-тарбияни янги босқичга кўтаришимиз, унинг сифатини тубдан яхшилашимиз лозим.” Кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Чунки тараққиётнинг шиддат билан илдамлаб бориши ва ахборот технологияларининг ривожланиши, таълим беришда «Ўқитувчи – маълумот манъбаи» деган «эски» ёндашувдан воз кечишни ҳамда «Ўқитувчи – маълумот олишда йўл-йўриқ кўрсатувчи менеджер» кўринишидаги ёндашувдан фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам, таълим жараёнида юқори педагогик саводли, илғор педагогик технологияларни эгаллаган ўқитувчиларни тайёрлашга бўлган талаб Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йиллариданок мамлакатимизни ривожини таъминловчи омил сифатида қаралган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997-йил 10-июндаги ПФ-1869 “Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тўғрисида”ги 5-сонли Қароридан ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1721-сонли “Баркамол авлод йили” давлат дастури ҳақидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ- 4732-сонли Фармони, мазкур фармонни бажариш юзасидан ҳамда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражасини узлуксиз такомиллаштириш учун шарт-шароитларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ёшларга оид давлат сиёсатини олиб боришнинг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Хусусан, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш: - узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

- мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун ушбу муассасаларидаги шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва унинг қулайлигини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

- болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъатга жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

- касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

-жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

- ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

- ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилаётган бундай юксак эътибор, кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизимини, уларда ўзига хос ва ностандарт фикрлаш қобилиятини ўстиришни, ўз устида доимий равишда чидам ва матонат билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришни талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.Ўзбекитсон. 2017.

2. Файзуллаева Д.М., Лутфуллаева Н. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”. УМК. -Т.ТДИУ -2016 -216 б.